



Макропруденциал сиёсатнинг институционал асослари ва унинг банк тизими барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти.

Тайёрлади: Мамажонов Озодбек Нурмахамат ўғли

А Н Н О Т А Ц И Я

Мазкур мақолада макропруденциал сиёсат тушунчасининг келиб чиқиши тарихи, унинг институционаллашуви, объекти, бош ва ораліқ мақсадлари ҳамда молиявий барқарорликни таъминлаш тизимидаги аҳамияти ритиб берилган.

Калит сўзлар: макропруденциал сиёсат, молиявий барқарорлик, тизимли ҳатарлар, иқтисодий ўсиш ва қисқариш даври, қайта алоқа цикли (feedback loop), даврий ва таркибий тизимли ҳатарлар, Базель қўмтаси, Пул-кредит сиёсати, капитал буфери, миллий манфаатлар, Марказий банк контрциклик капитал буфери (ССуВ).

А Н Н О Т А Ц И Я

В данной статье описывается история возникновения концепции макропруденциальной политики, ее институционализация, объект, основные и промежуточные цели, а также ее значение в системе обеспечения финансовой стабильности..

Ключевые слова: макропруденциальная политика, финансовая стабильность, системные риски, периоды экономического роста и спада, цикл обратной связи, периодические и структурные систематические риски, Базельский комитет, денежно-кредитная политика, резервный фонд, национальные интересы, контрциклический буфер капитала Центрального банка (ССуВ).



ABSTRACT

This article describes the history of the origin of the concept of macroprudential policy, its institutionalization, object, main and intermediate goals, and its importance in the system of ensuring financial stability..

Key words: macroprudential policy, financial stability, systemic risks, cycle of economic growth and contraction, feedback loop, cyclical and structural systemic risks, Basel Com., Monetary policy, capital buffer, national interest, Central Bank countercyclical capital buffer (CCyB).

Сўнгги йиллардаги глобаллашув жараёнида дунё мамлакатлари Марказий банклари банк тизимини бошқаришда кўплаб функцияларни бажариш билан бир қаторда улар давлат ва жамият олдида миллий иқтисодиётдаги стратегик мақсадларга эришиш масалалари бўйича жавобгар институт сифатида сақланиб қолмоқда.

Шу ўринда, Марказий банк-молия тизими барқарорлигини таъминлашда тизимли хатарларни олдини олишга қаратилган макропруденциал сиёсатнинг адекват инструментларини қўллаш орқали самарали чора-тадбирларни амалга ошириши лозим.

"Макропруденциал"¹ сўзи биринчи марта 1970-йилларнинг охирида Базел қўмитаси вакиллари билан олиб борилган музокаралар чоғида Англия Банкининг расмий ҳужжатларида қўлланилган. Узоқ вақт давомида ушбу атама макроиқтисодиётга таъсир қилувчи банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг алоҳида муаммоларини кўриб чиқишда ишлатилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий ҳужжатларида Макропруденциал сиёсат тушунчасига қуйидагича таъриф беради:

¹* Макропруденциал сўзи "пруденциал" атамасидан олинган. "Пруденциал" атамаси эса лот. "providentia" сўзидан олинган бўлиб, эҳтиёткор, узоқни кўрадиган деган маъноларни англатиб, "назорат" сўзи билан бирга қўлланилганда кредит ташкилотлари фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хатарлар ва муаммоларни бартараф қилишга имкон берувчи масофадан назорат маъносини англатади.



Макропруденциал сиёсат – бу тизимли хатарларни макропруденциал воситалар ёрдамида чеклашга қаратилган чоратадбирлар мажмуидир.

Макропруденциал тартибга солиш муаммолари Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг (BIS) тадқиқот фаолияти туфайли жамоатчилик эътирофига сазовор бўлди. Ушбу масалага ўша даврда Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг Бош директори бўлган Эндрю Крокет катта хиссасини қўшган.

Шунингдек, Э.Крокет ушбу тадқиқотида молиявий барқарорликни беқарорликнинг йўқлигидир деган назарияни илгари суради, яъни бунда беқарорликни иқтисодийнинг бозор нархлари тебранишидан заифлашганлик ҳолати сифатида ёки молия институтларининг ўз мажбуриятларини бажара олмаслик ҳолати сифатида таърифлайди. Муаллифнинг фикрига кўра, мамлакатлар молия тизимининг барқарорлиги учун ҳам асосий молия институтларининг барқарорлиги, ҳам бозорлар барқарорлиги зарур.

Шу билан бирга, Крокетнинг фикрига кўра самарали макропруденциал сиёсат олиб боришда молиявий беқарорликни аниқлаш учун фақат иқтисодий тизимга нисбатан сезиларли таҳдидларни, масалан, активлар нархининг юқори ўзгарувчанлиги ёки молия институтлари фаолиятидаги қийинчиликларни ҳисобга олиш кераклигини таъкидлайди.

Шунингдек, Э.Крокет молиявий беқарорликни аниқлашда асосий эътибор ўтмишдаги йўқотишларга эмас, балки молиявий тизимларга потенциал таҳдидларга қаратилиши лозимлигини таъкидлайди.²

2000-йилларнинг бошлари ривожланган давлатларда молия тизимини макропруденциал тартибга солиш учун таҳлилий воситаларни ишлаб чиқиш масаласи бошланғич майдонга айланди.

2007-2008 йилларда содир бўлган жахон молиявий инқироzi шунини кўрсатдики, Марказий банкларнинг пул-кредит сиёсатни амалга оширишдаги

² Bank of international settlements : Macroprudential policy: taking stock and looking forward. Paris, 8 December 2023 <https://www.bis.org/speeches/sp231208.pdf>



мақсади, вазифалари ва адекват воситаларини белгилаб берувчи дастлабки назарий ва институционал асослари миллий иқтисодиётларнинг жадал интеграциялашуви шароитида самарали қарорларни қабул қилишга имкон бермади³.

Ушбу инқироз даврида йирик давлатлар иқтисодиётлари бўйлаб молиявий стресснинг тез тарқалиши молия сектори институтларини тартибга солиш ва назорат қилишда сезиларли заифликлар мавжудлигини кўрсатди.

Бу эса, ўз навбатида бошқарув органларига миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига энг мос келадиган пул кредит сиёсат механизмларини танлашга оид назарий ёндашувларни қайта кўриб чиқиш зарурлигини белгилаб берди.

Шунингдек, ушбу инқироз мамлакатнинг макромолиявий барқарорликга эришиш зарур эканлигини кўрсатди. Молия тизимининг барқарорлигини миллий даражада сақлаш учун жавобгарлик Марказий банк зиммасига юкланади, бу эса тартибга солувчидан тегишли воситаларга эга бўлишини талаб қилади. Марказий банк вакилларига тизимли рискларни олдини олиш қаратилган янги *Макропруденциал* сиёсатга эҳтиёжи сезилди.

XXI асрнинг илк давридаги глобал молиявий инқироздан Глобал инқироздан сўнг молиявий барқарорлик деганда айнан нима тушунилиши ҳақида мунозаралар бошланди. Халқаро ҳисоб-китоблар банки (BIS) тадқиқот гуруҳи бу бўйича икки турдаги ёндашувни ажратиб олди.

Биринчи гуруҳ тарафдорлари ёндашуви бўйича, молиявий барқарорлик деганида миллий молия тизимининг ташқи шокларга бардош бера олиши тушнилган бўлса, иккинчи гуруҳ вакилларига кўра молиявий барқарорликни ички стрессларга бардошлилиги назариясини илгари сурган. Бироқ, иккала гуруҳ тарафдолари ҳам мамлакат молия тизимида вужудга келадиган тизимли хатарлар

³ Андрюшин С.А., Кузнецова В.В. Центральные банки в мировой экономике. М.: Альфа-М: ИНФРА-М, 2012.



ёки инкирозларни макропруденциал сиёсат воситасида олдини олиш мумкинлиги борасида яқдил фикрга келган⁴.

Шундай қилиб, соҳа экспертлари, сиёсатчилар ҳамда амалиётчилар ўртасида пул-кредит сиёсатини олиб боришда янги ёндашувлар бўйича консенсусга эришилиши, банк-молия тизими барқарорлигини таъминлашда макропруденциал сиёсатнинг устуворлигини назарда тутувчи янги давр бошланига олиб келди.

Шу сабабли, келгусида кутилаётган рискларни олдини олиш, уларга жавобан самарали чоралар кўриш мақсадида ҳамда Халқаро валюта жамғармасининг тавсиясига⁵ кўра 2023 йилнинг февраль ойида Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Макропруденциал сиёсат асослари ишлаб чиқилди.

Марказий банкнинг Макропруденциал сиёсат асослари умум эътироф этилган халқаро стандартларга, хусусан, Банк назорати бўйича Базел кўмитаси (Basel Committee on Banking Supervision), Халқаро валюта жамғармаси (International monetary fund) ва Молиявий барқарорлик кенгаши (Financial Stability Board) стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Макропруденциал сиёсат асослари Марказий банк томонидан Ўзбекистонда банк-молия тизими барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган сиёсатни амалга оширишнинг умумий концепциясини белгилаб беради.

Макропруденциал сиёсатнинг аҳамияти, унинг мақсадлари, воситалари ҳамда амалга оширилишини белгилаб олиш Макропруденциал сиёсат асосларининг бош мақсади ҳисобланади. Марказий банкнинг Макропруденциал сиёсати асосларини ишлаб чиқишнинг асосий жиҳатларидан бири, унинг кенг жамоатчилик учун очиклигини таъминлаш ҳисобланади.

⁴ Кузнецова В.В. Политика финансовой стабильности: международный опыт. М.: Курс; ИНФРА-М, 2014

⁵ IMF, 2013, "Key Aspects of Macprudential Policy," Article 79



Бу эса, ўз навбатида, макропруденциал сиёсатнинг Ўзбекистон молия тизимидаги ўрнини тушунишга ҳамда шаффоф коммуникация сиёсатини юритишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда молия тизими активларининг қарийб 97 фоизи банклар ҳисобига тўғри келади⁶, бу эса макропруденциал сиёсатни амалга оширишда банк тизими ўта муҳимлигини англатади.

Макропруденциал сиёсатнинг объекти тизимли хатарлар бўлиб, улар қуйидаги икки ҳил кўринишда юзага келиши мумкин:

- йиллар давомида йиғилиб борадиган хатарлар (*даврий тизимли рисклар - “time dimension”*);
- молиявий ташкилотлар ўртасидаги бевосита ёки билвосита муносабатлар билан боғлиқ хатарлар (*таркибий тизимли рисклар- “cross-sectional” ёки “structural”*).⁷

Даврий тизимли рисклар молиявий ташкилотлар ва уларнинг мижозларида аста-секинлик билан тўпланувчан ва проциклик характериға эға. Банклар томонидан кредитларнинг ажратилиши активлар нархининг ошишиға сабаб бўлади. Кўп миқдордаги кредитларнинг ажратилиши ҳамда сабаб-оқибат занжир узлуксизлигининг давом этиши активлар нархининг янада тезроқ ошишиға олиб келади.

Маълум бир вақтға келиб, нархларнинг пасайиши бошланади ҳамда қайта алоқа халқаси (feedback loop) тескари йўналишда ҳаракатланиб молиявий нобарқарорликка сабаб бўлади.

⁶ International Monetary Fund, Republic of Uzbekistan: Technical Assistance Report — Multi-Topic Statistics Diagnostic, December 2021, p. 68.

<https://www.imf.org//media/Files/Publications/CR/2021/English/1UZBEA2021002.ashx>

⁷ IMF-FSB-BIS: Elements of Effective Macroprudential Policies – Lessons from International Experience, August 31, 2017, p. 4.




Ушбу ҳолатда, кредит бўйича харажатлар ошади ва активлар нархи пасаяди, бу эса активларнинг ёппасига сотилиши оқибатида активлар нархининг янада пасайишига олиб келиши мумкин.

Ушбу механизм гаров қийматларининг пасайиши ҳисобига молиявий ташкилотлар ва миждозларнинг дефолтга учрашига ҳамда молия тизимидаги муваффақиятсизликларга сабаб бўлиши мумкин (4-чизма).

4-чизма.

Даврий тизимли рисклар (Иқтисодий ўсиш ва қисқариш давларида)



Таркибий тизимли рисклар молиявий ташкилотлар ўртасидаги бевосита ҳамда бир хил ёки ўхшаш активларга доир таваккалчиликлар орқали билвосита алоқаларда юзага келади. Бевосита алоқалар қарз берувчи ва қарз олувчи молиявий ташкилотлар ўртасидаги турли шартномавий муносабатларда намоён бўлади. Нархи ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган бир хил ёки ўхшаш активларга нисбатан молиявий ташкилотларнинг таваккалчилиги билвосита алоқаларни ифодалайди.



Активлар нархларининг кутилмаганда кескин пасайиши активларга нисбатан сезиларли таваккалчиликка эга бўлган барча ташкилотларда бир вақтнинг ўзида хатарларнинг пайдо бўлишига ва бунинг натижасида, молия тизимида нобарқарорлик ҳолати юзага келишига сабаб бўлади.

Мазкур нобарқарор ҳолат вақт давомида тўпланиб бориладиган яширин ёки эътиборсиз қолдирилган заифликлар (кредит хатарлари бошқариш стандартларининг енгиллашиши, гаровнинг бозор нархига нисбатан юқорироқ баҳоланиши, қарз олувчиларнинг юқори леверажи, муддатлар ўртасидаги ва валюталар ўртасидаги номутаносибликлар) натижасида юзага келади.

Жаҳон молиявий инқирози даврида ипотека бозорларига бўлган умумий таваккалчиликлар ушбу ҳолатларга мисол бўлиши мумкин.

Иқтисодий барқарор даврда молиявий ташкилотлар ҳамда миждозларнинг келажакка нисбатан кутилмалари ижобий бўлади, кредит талаблари юмшатилади, таваккалчиликка бўлган мойиллик кучаяди ва натижада Тизимли рисклар пайдо бўла бошлайди. Макропруденциал сиёсатнинг эрта аралашуви натижасида юзага келадиган йўқотишлар молиявий инқироз оқибатидаги йўқотишларга нисбатан анча кам бўлади.

Шу сабабли, Марказий банк молиявий циклнинг бошланғич даврида макропруденциал сиёсат чораларини қўллашга интилади.

Марказий банк молия тизимидаги иқтисодий фаолиятнинг пасайишига олиб келиши мумкин бўлган жуда муҳим хавфларнигина тизимли хатар деб қарайди. Шунинг учун, молия тизимидаги айрим муаммолар (масалан, таклиф қилинадиган хизматлари бошқа муассасалар томонидан тез алмаштирилиши мумкин бўлган кичик молиявий ташкилотнинг дефолт ҳолатига келиши) тизимли хатар сифатида қаралмайди.



Шундан келиб чиқиб, Марказий банкнинг макропруденциал чоратadbирларининг мақсади молия тизимидаги ҳар қандай хатарларни бартараф этиш эмас, балки фақатгина тизимли рискларни чеклаш ҳисобланади.⁸

Макропруденциал сиёсатнинг бош мақсади Ўзбекистон банк-молия тизими барқарорлигини таъминлашдир. Банк тизими барқарорлиги иқтисодий прогрессга эришишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.⁹

Шунга кўра, Марказий банки томонидан Ўзбекистон молия тизимини барқарорлигини таъминлашга эришиш учун қуйидаги бешта оралиқ мақсадлари белгиланган (5-чизма).

Бунда, дастлабки оралиқ мақсад бўлган Левераж ва кредитлар ўсиш суръатини молиявий барқарорликка салбий таъсирини олдини олишнинг моҳияти шундаки, мамлакат иқтисодиётида кредитлар миқдорининг кескин ўсиши натижасида активлар нархи ошишига аксинча иқтисодий қисқариш даврида активлар наххининг пасайиши активлар бозорида “пуфакчалар” пайдо бўлишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида молиявий инқирозга олиб келувчи муҳим сабаблардан бири ҳисобланади. Юқори левераж коэффициенти эса, бу инқирозларнинг хавфини янада кучайтириш хусусиятига эга.

Шу жиҳатдан, Марказий банк даврий тизимли рисларни олдини олиш ва шокларга банк тизимининг бардошлилигини ошириш мақсадида капитал буферлари ва бошқа воситалардан фойдаланади.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг макропруденциал сиёсат асослари (2023 йил февраль). <https://cbu.uz/uz/financial-stability/about/>

⁹ Committee on the Global Financial System - Objective-setting and communication of macroprudential policies, November 2016, p.4. /<https://www.bis.org/publ/cgfs57.pdf>



Макропруденциал сиёсатнинг оралиқ мақсадлари¹⁰



Қисқа муддатли ва барқарор бўлмаган молиялаштириш манбаларига боғланиб қолиш шошилинч активлар сотувига ҳамда бозор ноликвидлилигига олиб келиши мумкин. Макропруденциал чоралар активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги даврий номутаносибликларни камайтиришга ва молиявий бозор иштирокчиларининг ликвидлилигини кучайтиришга хизмат қилади.

Таваккалчиликларнинг концентрациялашувини тартибга солиш. Бевосита концентрация хатари банкларнинг номолиявий секторга бўлган йирик таваккалчилиги натижасида келиб чиқиши мумкин. Молиявий ташкилотларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда иқтисодий тармоқларга нисбатан умумий таваккалчиликлар молия тизимида занжирли оқибатларни ҳамда билвосита концентрация хатарини келтириб чиқаради.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг макропруденциал сиёсат асослари (2023 йил февраль). <https://cbu.uz/oz/financial-stability/about/>



Марказий банк бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини белгилаш орқали ушбу хатарларни камайтиради ҳамда концентрациялашув даражасини чеклайди.

Тизимли аҳамиятга молик банклар томонидан ҳаддан зиёд кўп хатарлар жамланишининг олдини олиш. Давлат улушига эга бўлган йирик банклар ҳукумат томонидан ҳимоя қилинишига ишонган ҳолда, ҳаддан зиёд хатарларга мойиллиги пайдо бўлади. Ўзбекистонда йирик банкларда давлат улушининг юқорилиги улар фаолиятидаги юзага келиши мумкин бўлган муаммолар бутун молия тизимига таъсир кўрсатади. Шунга кўра, Марказий банк тизимли аҳамиятга молик банклар учун алоҳида капитал буферларни қўллаши мумкин.

Макропруденциал сиёсат регуляторнинг пул-кредит ҳамда микропруденциал сиёсатлари билан ўзаро боғлиқ.¹¹ Ушбу сиёсатларнинг мақсадлари турлича (нархлар барқарорлиги ва молиявий барқарорлик) бўлсада, мазкур икки мақсадга эришилиши барқарор иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлайди.

Пул-кредит ва макропруденциал сиёсатлар бир-бирларини бир қатор трансмиссион каналлар орқали тўлдиради. Масалан, ўсиш даврида капитал буферлари даражасининг юқори бўлиши бир томондан молиявий тизим барқарорлигини оширади, иккинчи томондан эса молиявий шоклар натижасида юзага келадиган инфляция таъсирларини юмшатади.

Бироқ, паст инфляция шароитида пул-кредит сиёсатнинг юмшатилиши таъсирида кредит ўсишини рағбатлантириши, бу эса, ўз навбатида, тизимли хатарларни тўпланишига (нарх пуфаклари) олиб келиши мумкин. Шунга кўра, Марказий банк макропруденциал ва пулкредит сиёсатини ўзаро мувофиқ тарзда олиб боради. Марказий банк маълум бир сиёсатнинг мақсадига эришиш учун фақатгина ўша сиёсатнинг воситаларидан фойдаланади. Марказий банк

¹¹ International monetary fund: « An Overview of Macroprudential Policy Tools». #P .8. December, 2014.



макропруденциал сиёсатни амалга оширишда нархлар барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмаслигини таъминлайди.

Шунингдек, Марказий банк томонидан юритиладиган яна бир сиёсат бу микропруденциал сиёсат бўлиб, мазкур сиёсатнинг асосий мақсади омонатчиларни ҳимоя қилиш бўлиб, индивидуал молиявий институтларнинг барқарорлигини таъминлашни назарда тутди. Шу нуқтаи назардан, индивидуал институтларнинг ташқи ва ички шокларга бардошлилиги умумий молиявий тизимнинг барқарорлигига асос бўлиб хизмат қилади ёки аксинча бўлади. Бошқа томондан эса, молиявий нобарқарор даврда макропруденциал ва микропруденциал сиёсатлар ўртасида кескинлик юзага келиши мумкин.

Хусусан, макропруденциал сиёсат капитал буферлари талабларини енгиллаштириш орқали иқтисодиётнинг реал секторига кредит ажратилишини ва активларнинг шошилиш сатувини олдини олишни рағбатлантиришга интилади.

Шу билан бирга, микропруденциал сиёсат эса мазкур капитал талабларини ўз даражасида қолдириш ёки уларни қатъийлаштириш билан индивидуал банкларнинг тўловга қобилияти ҳамда ликвидлигини сақлаб туришни ва шу йўл орқали омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни кўзлайди. Макропруденциал ва микропруденциал сиёсатлар бир хил бўлган бир қатор воситалар ҳамда трансмиссион каналлардан фойдаланади. Бироқ, улардан фойдаланиш мақсадлари сиёсатлар ўртасида фарқ қилади.

Шу сабабли, маълумотлар алмашиш, хатарларни биргаликда таҳлил қилиш ҳамда Марказий банкнинг макропруденциал ва микропруденциал таркибий бўлинмалари орасидаги мустаҳкам коммуникация ушбу сиёсатлар ўртасидаги мувофиқликни самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Мувофиқлаштиришнинг яна бир йўналиши Марказий банкнинг ваколатидан ташқарида бўлган таркибий сиёсатларни (масалан, уй хўжаликларининг қарздорлигини қўллаб-қувватлаш) ўз ичига олади. Уйжой



секторида талаб ва таклиф ўртасида дастлабки номутаносибликлар юзага келганда, таркибий чора-тадбирлар қўллашиши лозим, бироқ макропруденциал сиёсатнинг ўзи ушбу номутаносибликларни бартараф эта олмайди. Шу сабабли, Марказий банк таркибий сиёсатлар билан мувофиқлаштириш чораларини кўриб боради.

Хулоса қилиб айтганда, ўрганилган илмий ишларнинг тахлили барқарорлик, молиявий барқарорлик ва банк тизими барқарорлиги каби иқтисодий тушунчаларга нисбатан кўплаб турли хил ёндашувлар ва тарифлар берилган.

Шу ўринда, ушбу атамаларга нисбатан юқорида қайд этилган тарифларнинг бирма-бир тахлили ва синтези асосида молиявий барқарорлик тушунчасига нисбатан қуйидаги янги муфаллифлик тариф ишлаб чиқилди.

Молиявий барқарорлик бу – миллий молия тизимининг ташқи ва ички шоклар ва номутаносибликларга бардош бера олиши, шунингдек молия тизимининг инқирозга дуч келиш эҳтимолини пасайтира олиш қобилиятидир.¹²

Бунда, банк тизими барқарорлик даражаси молия тизимидаги барча тижорат банкларининг ликвидлилик, капитал етарлилиги, активлар сифати, пасивлар концентрацияси каби кўрсаткичларининг жамланмаси асосида аниқланади.

Шу ўринда, Ўзбекистонда банк-молия тизими барқарорлигини таъминлаш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юклатилган бўлиб, у тизим барқарорлигини таъминлашда самарали макропруденциал сиёсат юритиш орқали тизим субъектлари фаолиятини мониторинг қилиш, жорий ва эҳтимолий рискларни эрта аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўради.

¹² Муаллиф ишланмаси